

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲА ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни қомил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси, Мир Араб олий мадраси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари бий илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлили диний-маърифий соҳадаги фаолият самардорлигини оширишни ва малакали кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини яратилиши тақозо этмоқда.

Халқимизга азал-азалдан хос бўлган маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик каби ёзуғи фазилатлар ва қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг ўрни ва иштирокини ошириш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Қуйидагилар диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

«жаҳолатга қарши маърифат» улуғвор ғоя асосида дин-

нинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш ва бу соҳадаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш;

ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш;

динни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиган бузғунчи ёт ғояларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш;

жамиятда миллий ва диний қадриятларимизга ёт бўлган ғояларга нисбатан тоқатсизлик муҳитини шакллантириш;

жамиятда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувликни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг дахлдорлик ҳисси ва иштирокини янада ошириш;

диний-маърифий ташкилотларнинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини қучайтириш;

глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни олшиққа аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ахборот-таҳлилий фаолиятни қучайтириш;

диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш, диний-маърифий соҳада малака-

ли кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг яхлит тизимини яратиш.

2. Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тузилмасида 15 та штат бирлигидан иборат **Диний-ижтимоий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази** (кейинги ўринларда Марказ деб қўйилади) ташкил этилсин.

Марказ Дин ишлари бўйича қўмитанинг диний мавзуларга оид адабиётлар, Интернет ва оммавий ахборот воситалари материалларини чуқур таҳлил қилиш, диний-ижтимоий муҳитнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш фаолиятини амалга оширадиган ахборот-таҳлилий тузилмаси ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ўзбекистон ислом академияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетини негизда **Ўзбекистон халқаро ислом академиясини ташкил этиш** тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита муассислигидаги Қуръон

илмлари, ҳадис, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар (араб, форс, инглиз, рус, ўрду, турк ва б.) ва бошқа халқаро микёсда эҳтиёж мавжуд бўлган соҳалар бўйича малакали кадрларни тайёрлашга, ўрта махсус, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш босқичларида узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини ташкил этишга ва илмий меросини чуқур тадқиқ қилиш ва асраб-авайлашга, диний ва дунёвий билим беришга ихтисослашган етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади;

республикадаги барча ислом таълим муассасалари фаолиятини ўқув-меъёрий ва ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мувофиқлаштиришни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонунда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон ислом академиясининг ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси битирувчиларига умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида соҳага тегишли фанлар бўйича педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси-

да»ги қарорининг 14-бандида белгиланган имтиёзлар Ўзбекистон халқаро ислом академиясига ҳам татбиқ этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилсин.

5. Ўзбекистон халқаро ислом академияси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари минтақавий филиалларига эга бўлган Малака ошириш маркази ташкил этилиши инобатга олинсин.

Малака ошириш маркази ва унинг минтақавий филиалларида имом-хатиблар, имом ноиблари, диний соҳа мутахассислари, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, олий ва ўрта таълим муассасаларининг соҳага тегишли педагог кадрлари қайта тайёрларидан ўтади ва малака оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон халқаро ислом академияси Малака ошириш маркази ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилсин.

6. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги «Зиё» медиа маркази мамлакатимизда диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, аждодларимизнинг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бой диний-илмий меросини кенг тарғиб қилувчи, диний-маърифий ҳаётдаги янгиликларни жамоатчиликка етказувчи асосий медиа тузилма сифатида шакллантирилсин.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИИККИНЧИ
ЖАҲОН УРУШИ
ҚАТНАШЧИЛАРИНИ
РАҒБАТЛАНТИРИШ
ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кўни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 73 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 5 000 000 (беш миллион) сўм миқдоридан берилаётган пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда Ватанмиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадийий кечалар ўтказсинлар.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ
ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадр-қиммати, орномусини, миллий аъёнларимиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, бошқинчи ва ёвуз қучларга қарши машаққатли курашларда буқилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намойён этиб, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш — бизга тинчлик, омонлик керак, деб яшайдиган бағрикенг халқимизга хос азалий қадриятдир.

Бугун дунёда миллионлаб инсонлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини ҳеч ким унутмайди. Ушбу бешафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Уруш бошланиши билан фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга қўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам қўрган, «Сен етим эмасан» деб ўз бағрига олгани халқимизнинг нақадар олижаноблигини, меҳр-мурувватини, юксак маънавиятини яққол намойён этди.

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кўнини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш мақсадида:

1. Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

► Давоми 2-бетда.

Хотира ва Қадрлаш кўнининг кенг нишонланишини таъминлаш давлат ва нодавлат ташкилотларининг биринчи галдаги вазифаси, барча Ўзбекистон фуқароларининг виждоний иши ва аънавий бурчи деб белгилансин.

2. Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ (А.Арипов): Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг «Инсон қадри улуғ, хотира муқаддас», «Мардлик, бурч ва садоқат» шорлари остида юқори савияда ўтказилишини ташкил этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сифатли ўтказилишини таъминласин ва жойларга бориб, Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга амалий ёрдам кўрсатсин;

Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, ҳарбий қисмлар вакиллари бириктирилсин ҳамда ушбу тоифадаги шахсларни қутлаш ва ҳушнуд этиш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташрифини ташкил этсин;

Ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг турар жойи ва уй ҳўжаликлари таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;



ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ

ЎРИН КАМ, НАВБАТ КЎП

Худудий соғломлаштириш марказларининг фаолиятини кенгайтириш ногиронлиги бўлган шахсларни фаол ҳаётга қайтаришга хизмат қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон ХДП фракцияси ҳамкорлигида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси раҳбарининг эшитуви ташкил этилди. Инспекция раҳбари Умарали Назарматов қонун ҳужжатларига мувофиқ ногиронлиқни белгилаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва истиқболдаги режалар тўғрисида ахборот берди.

Шунингдек, қўмита томонидан назорат-таҳлил тартибидида Қашқадарё вилоятида ўтказилган ўрганиш якунлари атрофлича муҳофама қилинди.

► Давоми 2-бетда.

ДЕҲҚОНОБОДЛИКЛАР
ТОШДАН ГҮЛ УНДИРАДИ

Бунга шубҳалансангиз, Деҳқонободга
боринг, ўз кўзингиз билан кўринг

Мустақиллик мўъжизаларидан бири — «Деҳқонобод калйили ўғитлар заводи» унитар корхонасида ўтган йили мустақиллигимизнинг 26 йиллигига бағишланган байрам тадбирида қатнашган эдим. Яқинда корхонанинг Наврўз тадбирида иштирок этиш учун йўлга отландим. Мақсад — тадбир баҳонасида туманда олиб борилаётган ислохотлар билан яқиндан танишиш, маҳаллий аҳоли билан мулоқот қилиш, уларнинг кайфиятини билиш эди...

Корхонага эрта тонгда бориб кўрдимки, ҳаммаёқ чиннидай тоза, озода, йўлаклар чети, дарахтлар оқланган, завод ёнидаги майдоннинг тўрт томонида ўтовлар тикилган, ўртага саҳна ўрнатилган... Байрамни ташкил этишга масъул бўлган юз нафардан кўпроқ киши ҳамма ишларни қайта кўздан кечи-раётган экан.

► Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲА ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой мuddатда «Зиё» медиа маркази ишини самарали ташкил этиш мақсадида уни алоқа воситалари, кенг қамровли Интернет тармоғи, замонавий телестудия, телевизион ускуналар жамланмаси, компьютер техникалари, дастурий таъминот ва бошқа техника воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

«Зиё» медиа маркази 2021 йилнинг 1 майига қадар белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича республикада ишлаб чиқарилмайдиган, замонавий телестудия ташкил этиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, компьютер ва сервер техникаси, техника воситалари, шунингдек, бошқа моддий-техника ресурсларини олиб кириш учун божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказининг олий диний-маърифий таълим муассасаси шаклидаги **Ҳадис илми мактабини ташкил этиш** тўғрисидаги қарор қабул қилинсин.

Қуръони карим ва ҳадисларнинг асл моҳиятини, ҳадис илмининг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганган, ҳадис илми ривожига бекиб ҳисса қўшган улўғ ватандошларимизнинг улкан илмий меросини пухта ўзлаштирган, ҳадисшунослик соҳасида илмий изланишлар олиб бориш кўникмасига эга мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ҳадислардаги эзгу умуминсоний қадриятларни, айниқса, ёш авлодга етказиш Ҳадис илми мактабининг асосий вазифалари этиб белгиланганини инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилсин.

8. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамоат фонди Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилсин.

«Вақф» хайрия жамоат фондининг асосий вазифалари этиб қўйиладиган белгиланганлиги қайд этилсин:

фуқароларнинг диний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш; масжидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

тарихий-мезморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини янада ривожлантириш;

диний таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини молиялаштириш, уларнинг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мутахассислари ва ўқувчи-талабаларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

масжидлар ва зиёратгоҳлар ходимларини, хусусан имом-хатиблар, имом ноиблари, мутаваллилар, муаззинларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

ислом илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюқ аждодларимиз, замонамизнинг етук олим ва уламолари қаламига мансуб диний-маърифий асарларни чоп этиш ва аҳолига етказишга кўмаклашиш; қўлимиздаги муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг мусулмон дунёсидagi нуфузини янада ошириш, бу масканларга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита билан биргаликда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига бир ой мuddатда «Вақф» хайрия жамоат фондининг молиявий-ҳужалик фаолиятини ташкил этиш, фуқаролардан закот, фитр ва бошқа хайрия маблағлари сифатида тушадиган маблағлар Фондининг алоҳида ҳисоб рақамида тўпланиши, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган (шу жумладан, Интернет тармоғи орқали онлайн кузатиш имкониятини яратган) ҳолда маблағларнинг тушиши ва сарфланишида тўлиқ шаффофликни таъминлаш бўйича амалий кўмак берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Маданият вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда уч ой мuddатда республикадаги барча муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларни ўрганиб чиқсин ҳамда уларнинг таш-

килий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 июлга қадар ўрганиш натижалари асосида муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларини «Вақф» хайрия жамоат фондида фойдаланиш учун ижарага бериш ҳуқуқи билан бириктириб беришни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

Муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар моддий маданий мерос объектлари ҳисобланади ҳамда уларнинг талаб даражасида муҳофазат қилиниши устидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан давлат назорати ўрнатилади.

10. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Вақф» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ушбу идора тизимидаги диний-маърифий ташкилотларда:

фаолият юритаётган ходимларга, шу жумладан имом-хатибларга ойлик иш ҳақи тўлаш;

фаолият юритаётган уй-жойга муҳтож ходимларни хизмат уй-жойлари билан таъминлаш;

кўп йиллар давомида намунали фаолият юритаётган, уй-жойга муҳтож имом-хатибларга янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойларни сотиб олиб, текинга бериш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг буюртмасига асосан идора тизимидаги диний-маърифий ташкилотлар ходимларига хизмат уй-жойлари ва уларга сотиб олиб бериш учун янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойларнинг ажратилишини таъминласин.

11. Белгилансинки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида ишловчи:

ўқитувчи, илмий ходим ва мутахассисларга ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига кўра тариф коэффициентлари ва базавий лавозим маошлари 3 барабар (Марказ ходимларига — 4 барабар) миқдорда қўлланилади;

пенсияерларга уларнинг ушбу ташкилотлардаги фаолияти ягона бўлган тақдирда пенсиялари тўлиқ тўланади.

Мазкур банднинг учинчи хатбошиси барча диний-маърифий ташкилотлар ходимларига таътил этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Фанлар академияси, Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва кенг жамоатчиликнинг ислом илм-фани ва маданиятига бекиб ҳисса қўшган буюқ аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва бой илмий меросини чуқур ўрганиш, мамлакатимиз доирасида халқ миёсидан кенг ёйиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган шахсларни рағбатлантириш мақсадида «Имом Бухорий» давлат мукофотини таъсис этиш ҳақидаги тақлифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда мазкур давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита Адлия вазирлиги билан биргаликда диний-маърифий соҳада намунали фаолият юритаётган, ижтимоий-маънавий ишларда алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлар соҳа вакилларини рағбатлантириш, шу жумладан давлат мукофотларига тақдим этиш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти де-вонига киритиб бурсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита:

бир ҳафта мuddатда кўмита фаолиятини такомиллаштириш ва унинг янгиланган тузилмасини тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини; Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р.Т.Қамитов ва Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ
ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА

Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик қилиш давомида Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бurchини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини кенг аҳоли тоифалари, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил қилсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини истаклари асосида улар ўзлари жанг қилган мамлакатларга бир нафар кузатувчи билан сафарини ташкил этсин ҳамда ушбу сафар билан боғлиқ барча харажатлар қопланишини таъминласин;

Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг истаклари асосида Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги «Ўзбекистон» ҳамда республика ҳудудидagi бошқа санаторийларга бир нафар кузатувчиси билан бирга бепул юборилиши ташкил этиб, уларни зарур авиа ва темир йўл чипталари билан таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги белгиланган жойларда Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги ҳарбий техникалар намойишини ташкил этсин;

Галабага ўз ҳиссасини қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, куч-қувватини аямаган ҳар бир фахрий, ҳар бир киши хотираси абадийлаштирилишини, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, «Нуроний» жамоатчаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда:

вилоят, шаҳар ва туманларда Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

қўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, жумладан, уруш йилларининг қўлиқ ва куйлари, дастурхон тузаш ва тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этсинлар;

кўчалар ва майдонларни Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган плакатлар ва стендлар билан безатиш таъминласинлар.

5. Белгиланган қўлиқсинки, ўтказиладиган Дастур тадбирлари ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истикомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларини Тошкент шаҳрида бўлиб ўтadиган асосий маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортида келиб-кейтиш, меҳмонхоналарда жойлаштириш, овқатланиш, маданий ҳордиқ чиқариши билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, зарур ҳолларда тегишли кийим-кечаклар билан таъминланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — маҳаллий бюджетлар ҳамда хомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида — Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетга маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳрида 2018 йил 9 май соат 21.00 да Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам салютини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокomпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларнинг кенг ёритилишини, тематик тадбирлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларнинг ташкил этилишини таъминласинлар.

9. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 апрель

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 апрель

ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ

ЎРИН КАМ, НАВБАТ КЎП

Худудий соғломлаштириш марказларининг фаолиятини кенгайтириш ногиронлиги бўлган шахсларни фаол ҳаётга қайтаришга хизмат қилади

Бугунги кунда Республикада 107 тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолият юритмоқда. «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга кўра, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари 16 ёшдан юқори бўлган шахсларнинг ногиронлик гуруҳи, сабаби, мuddати ва касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши даражаси ҳамда реабилитация чора-тадбирларини белгилашда қатнашади. Шунингдек, унинг ижросини назорат қилади.

Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси эса ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини белгилаш ҳамда уларни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурларини ишлаб чиқади. Ногиронлигининг ҳолати, ўзгариши ва унга сабаб бўлган омилларни тизимли таҳлил қилиш, ногиронлигининг олдини олиш вазифаларини амалга оширади.

Парламентга тақдим этилган маълумотларга кўра, тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси томонидан 2017 йилда 47 миң нафардан ортиқ фуқарога (бирламчи ногиронлик белгиланган 2016 йилга нисбатан 17,1 миң нафарга кўп). Қашқадарё вилоятида эса бу кўрсаткич 4200 га яқин (2016 йилда 2510 нафар).

Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Ногиронлиги белгиланган шахслар орасида касалликлар бўйича ўтказилган таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, қон айланиш тизимида 15,3, ҳавфли ўсмалар 12,7, руҳий беморлар 11,7, асаб тизими бўзилишлари 9,7, жароҳатлар 7,7, суяк-мушак тизими ҳасталиклари 7,8, кўз касалликлари 6,6 фоизни ҳамда бошқа тадб. 28,6 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, худудий ТМЭК томонидан 18,4 миң фуқаро реабилитация марказларига юборилиб, 10,3 фоизининг соғлиғи яхшилланган. 187 миңга яқин ногиронлиги бўлган шахсларга яқка тартибдаги дас-



турлар тузилиб, уларнинг соғлиғини яхшилаш ва меҳнат лаёқатини тиклаш ишлари олиб борилган. 19,2 миңга яқин жисмоний имконияти чекланган шахсларга реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедик маҳсулотларни олиш юзасидан тегишли хулосалар берилган.

Ногиронлиқни аниқлаш учун тиббий-ижтимоий экспертиза ўтказиш, протез-ортопедия ва реабилитация

техника воситалари билан таъминлаш масалаларида тиббий-маслаҳат комиссиялари ҳамда тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятида айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлиги алоҳида қайд этилди.

Худудларга бориб, аҳоли вакиллари билан учрашганимизда улардан турли тақлифлар, муножабатлар бўлмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги

ЎХДП фракцияси аъзоси Нўмон Акбаров. — Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларга қарамайдан, жойларда патронаж хизмати кўрсатишда камчиликлар ҳамон учрамоқда. Ҳамширалар уйма-уй юриб, беморлар, хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар, кекса кишилар ҳолидан хабар олиш билан бирга, уларнинг ҳолатини текшириш вазифасини ҳам бажариши кўзда тутилган. Лекин бунинг учун зарур тиббиёт анжомларининг етарли эмаслиги оқибатида оғзаки ҳол-аҳвол сўраш билан чекланиб қолимоқда. Фракциямиз аъзолари мазкур йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш керак, деб ҳисоблайди. Чунки касалликнинг олдини олиш ва уни даволаш учун аниқ тиббий хулоса зарур. Бунда патронаж ҳамширалар хизмати самарали бўлиши керак.

Шу билан бирга, айрим шаҳар, туманлардаги тиббий меҳнат экспертизаси комиссиялари бинолари аянчли аҳволда. Уларни таъмирлаш, бугунги кун талабларига мос равишда фаолият юритиш учун шароит яратиш иш унумдорлиги ва сифати-га таъсир қилади.

— Соғлиқни сақлаш тизимидаги чора-тадбирлар ногиронлигининг олдини олишга ҳам бевосита хизмат қилиши керак, деб ўйлайман, — деди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев. — Маълумки, ҳар 6 ой ёки бир йилда бир марта ногиронлиги бўлган шахсларни 10 кун мuddатда соғломлаштириш тартиби жорий этилган. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, 10 кун бир инсоннинг даволалиши ёки соғлиғида ижобий ўзгариш юз бериши учун етарли вақт эмас. Соғломлаштириш мuddати узайтирилса, 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни фаол ҳаётга қайтариш, ногиронликдан чиқариш имкони ортади.

Фракциямиз фикрича, аввало соғломлаштириш масканларини кўпайтириш, уларнинг ишлаш қувватини ошириш керак. Айтайлик, 100 ўзбекистон соғломлаштириш марказларига минглаб наваб кутувчилар рўйхати тузилади. Бу аҳолига қийинчиликлар туғдириши табиий, албатта. Ногиронликдан чиқариш чораларини кўриш долзарб масала ҳисобланади.

Шу билан бирга, йиғилишда тиббий-маслаҳат комиссиялари ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ҳам муҳокама қилинди.

Ногиронлиқни аниқлаш тизимини соддалаштириш, очкиқлик ва шаффофликни таъминлаш муҳим вазифа экани таъкидланди. Сарсонгарчиликларнинг олдини олиш, мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Эшитув якунига кўра кўмита қарори қабул қилинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



ДЕХҚОНОБОДЛИКЛАР ТОШДАН ГУЛ УНДИРАДИ

Бунга шубҳалансангиз, Деҳқонободга боринг, ўз кўзингиз билан кўринг

Хисор тоғ тизмалари этагида жойлашган Деҳқонобод — Қашқадарё вилоятининг энг катта туманларидан бири ҳисобланади. Худуд жиҳатидан Андижон вилоятига тенг келиб қолади. Бир томони Қашқадарё, Ғазор, Яққабғ каби туманлар билан туташиб кетган бўлса, бошқа томони Бойсун, Туркманистон билан чегарадош.

Мустиқлик йилларида бахшлар Деҳқонобод кифоаси ҳам, одамларининг турмуши ҳам мутлақо ўзгарди. Тарихий ишлар амалга оширилди. Бугун янада улкан янгиликлар бўлмоқда. Махшур Деҳқонобод қалий заводи МЧЖга айлантирилибди. Мақсад — корхона фаолиятини эркинлаштириш, маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда уни янгидан тuzилган Бошқарув кенгаши орқали янада ривожлантиришдан иборат. **Корхона Бош директори, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Ҳамидулла Шерматов шундай деди:**

— Эртага Наврўз байрамини мана шу майдонда ўтказамиз, туманнинг 12 маҳалласидан оқсоқоллар, факрийлар, вилоят раҳбарларини тақлиф этганмиз. Ўзбекистон халқ артисти Ўктам Аҳмедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сардор Раҳимхон ва бошқа таниқли санъаткорлар иштирок этади. Қолганини ўзингиз кўрарсиз...

Эрталаб байрамда учрашадиган бўлди. Мен кир-адирлар бағрида тарқоқ жойлашган қишлоқларни оралаб, суви зўрга жилдираб оқётган Каттаўра дарёсидан ўтиб, туман марказига — ЎзХДП туман кенгашига йўл олдим.

Кенгаш раиси Ашур Норбоев билан ҳали суҳбатимиз қовушмасдан, хонага юзи офтобда бироз қорайган киши кириб келди.


— Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Тоғаймурод Тожиев, — деб таништирди уни Ашур Норбоев. — «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, доим халқ таъбири билан юради...

— Э, нимасини айтасиз, — дея дардини дастурхон қилди Тоғаймурод ака. — Муаммо кўп, уларнинг ечимини топишимиз керак. Фуқаролар йиғини худудида 1,5 мингдан ортиқ хўжалик бор. Хар бирининг ўзига яраша таъминоти, орзу-хаваси бор. Кўпчилик йўлларнинг таъмирталабидан нолийди. Утган йили уч километри сифатсиз асфальтланган, у ҳам тўзиб кетди. Ички йўллар 25 километр чиқади.

Иккинчи муаммомиз — сув йўқлигидан аҳоли томоркалари қараб ётибди. **Қайси бирини айтиш, 500 оила фарзандига нафақа олиш учун ариза берган, 250 таси ижтимоий кўмакка муҳтож ҳисобланади. Нафақа пули шулардан 50 тасига ажратилган. Бахс-мунозаралар бўлиб туради. Баъзан ўйлаб қоламиз, нафақа тўловини маҳалла зиммасидан олиб, бошқа тизимга ўтказилса, қандай бўларкин?...**

Мухбир экансиз, яна бир гапни айтиш. Туманининг 37 маҳалла фуқаролар йиғинида 137 мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг тирчилик йиғини худудида оқиб ўтадиган Каттаўра ва Кичикўра дарёлари билан боғлиқ. Дарё бўйида жойлашган Бошқорбоғ, Белибойли, Тўданқорбоғ, Оқшишқор, Катта қишлоқ, Обиравон, Бозортепа, Шўрғузар ва бошқа қишлоқларда дарё сувидан томорқа хўжалигида ва чорва моллари учун фойдаланилади.

Бирок утган асрнинг 80-йилларида қурилган ва қарийб 20 миллион куб метр сув ҳажмига эга бўлган Деҳқонобод сув омборидан йиллар мобайнида Қорашина, Деҳқонобод, Аэродром, Бибиқорасон, Бешбулок, Навобод ва Гумбулок қишлоқларида яшовчи минглаб хонадонлар фойдаланиб келарди. Йиллар ўтиши билан сув омбори сел сувлари оқиб келган кичиники ва лойқа билан тўлиб,



бор-йўғи 3-3,5 миллион куб метр сув тўпланадиган бўлиб қолди. Ундан оқиб келадиган дарё суви баҳор тугамасдан деярли қуриб, яхши ниятлар билан экилган кўчатлар, экинлар увол бўляпти...

Тўғриси айтганда, Тоғаймурод Тожиев ошириб-тошириб гапирётгани йўқ, аччиқ ҳақиқатни айтаяпти. Жорий йилнинг январь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятида бўлганда муаммолар ҳақида гапириб, аҳолини қийнаётган сув масаласига ҳам алоҳида тўхталди: **«Деҳқонобод тумани 2 фоз ичимлик суви билан таъминланган. Шу одамларнинг бағрикентлигига, сабрига қойил қоламиз»**, — деди ва тегишли тизим раҳбарларига бир ой муддатда Чирокчи, Миришкор ва Деҳқонобод туманларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ва Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш юзасидан тегишли топшириқлар берди. Бундан деҳқонободликларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди, боши осмонга етди...

— Утган йили қайта қурилиши бошланган «Деҳқонобод» сув омборини 2019 йилда ишга тушириш режалаштирилган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда бу ишшоот қурилишини 2018 йил охирига қадар якунлаш бўйича қатъий топшириқ берди. 2020 йилгача яна «Арабдаш» ва «Торқончуғай» сел сув омборлари қурилиши кўзда тутилган, — дейди **туман ҳокими, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Зоир Алиқуллов**. — Бундай имконият бир неча ўн, ҳатто юз йиллаб бир томчи сувга зор бўлиб, осмонга қараб келган халқни уйғотди, сафарбарликка даъват қилди.

Туман аҳолисининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун узунлиги 77 километр бўлган, худуддаги 69 аҳоли пунктини қамраб оладиган «Оқсув — Деҳқонобод» сув қувури қурилишига 100 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ушбу ишшоот қуриб битказилган, бошқа сув манбалари билан қўшиб ҳисоблаганда, туманнинг 98 фоз аҳолиси марказлашган ичимлик суви билан таъминланади, дастурхон тўкин-сочинлиги ва мўлкчиликка замин яратилади.

— Айни пайтда туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, улар вилоят ва республика комиссияларига тақдим этилди, — дейди **туман ҳокими ўринбосари Бойбўри Ҳасанов**. — Бешбулок маҳалла

Йиллар ўтиши билан сув омбори сел сувлари оқиб келган чикинди ва лойқа билан тўлиб, бор-йўғи 3-3,5 миллион куб метр сув тўпланадиган бўлиб қолди. Ундан оқиб келадиган дарё суви баҳор тугамасдан деярли қуриб, яхши ниятлар билан экилган кўчатлар, экинлар увол бўлди. Томорқага экилган сабзавот ва дов-дарахтлар қовжираб қуриб кетди. Одамлар ўз ховлисидаги беш-ўн түп дарахтни қўрғоқчиликдан сақлаб қолиш учун машина билан сув ташиб сўғорадиган бўлди.

фуқаролар йиғини худудидаги Одамтош тепалигидан илгари шиша тайёрлашда хомашё сифатида ишлатилган блоклар доломит ва тоғ жинсларидан блоклар олинарди. Ҳозир шу соҳа билан шуғулланадиган 10-15 та кичик бизнес ва саноат субъектлари ташкил этаёلمиз. Хориқлик ва маҳаллий инвесторлар жалб этилиб, улар кўмағида эски консерва заводи ўрнида деҳқончилик маҳсулотларини баҳорганча бирдай сақлайдиган ишшоот, бундан ташқари, электр лампочкаси ишлаб чиқариш заводини қуриш бўйича музокаралар олиб боришмоқда. Даромадли озиқ-овқат экинларини турлари бўйича жойлаштириш, уруғлик ва кўчат етиштириш ҳамда енгил конструкцияли кичик иссиқхоналар ташкил этишга қатъий эътибор қаратиляпти.

«Бегбиомпекс» хусусий корхонаси тиббиётда қўлланиладиган коврак етиштиришни ривожлантириш ва экспортини йўлга қўйиш мақсадида жорий йилда 300 гектар майдонга ана шу ўсимликдан экиш, шу соҳа билан шуғулланадиган 174 фермер хўжалиги ташкил этилди. Катта Ҳадад ўза-нидаги 50 гектар ерга фермер, деҳқон хўжалиқлари, томорқа ер эгалари томонидан аччиқ қалампир экилди.

Туманининг Туркманистон Республикаси билан чегарадош худудларидаги ўрмон хўжалиги тасарруфидидаги ер майдонларида коврак уруғи ва елими (смоласи)ни териби олишни таъминлаш ва жорий йилда 4 минг гектар лалми ер майдонларига коврак экиш ва чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш учун умумий қиймати 40 миллиард сўмлик лойиҳани амалга ошириш учун республика «Асака-банк»и томонидан 20 миллиард сўм

микдорида кредит маблағи ажратилди.

Қорамол, қўй ва эчки сонини қамда икки баробарга кўпайтириш, Тожикистон Республикасидан 5 минг бош ҳисор зотли қўй олиб келиш, қиймати 5,8 миллиард сўм бўлган жунни қайта ишлаш корхонасини ишга тушириш, йирик паррандачилик корхоналарини ташкил этиш, тери хомашёсини сақлаш ва тайёрлаш тизимини яратиш кўзда тутиляпти.

2018-2019 йилларда туманда хунармандчиликни ривожлантириш бўйича қиймати 250 миллион сўмлик 10 лойиҳа амалга оширилди, фаол тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қишлоқ жойларда умумий овқатланиш корхоналари учун солиқ ставкасини икки баробарга, олис ва тоғли худудларда 70 фозгача қамайтириш, янгидаги тақвиз этиладиган саноат корхоналарини 5 йил муддатга ягона солиқ тўлови-дан озод қилиш, савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини икки баробарга қамайтириш назарда тутилган.

Аҳолини электр, газ билан таъминлаш мақсадида тумандаги паст қуллашилши электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш Дастурига асосан 30 километр узунлидаги электр тармоқларини ва 7 донна трансформатор пунктларини янгилаш ва модернизация қилиш, 65 километр узунлидаги электр тармоқлари ва 41 донна трансформатор пунктларида мукамал таъмирлаш, маиший газ балонларини синдован ўтказиш маркази қуриш, аҳоли хонадонларини 9100 донна маиший газ балонлари билан таъминлаш, махсус автотранспорт

воситаларини харид қилиш ишлари олиб боришмоқда.

Узунлиги 223 километрли ташкил этадиган, йўлнинг асосий қисми Бойсун туманини Ғазор тумани билан боғлаб турадиган Хисор тоғ тизмаси устидан, денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда ўтадиган «Тошғузар-Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг ишга туширилиши, ноёблиги жиҳатидан Марказий Осиёда ягона ҳисобланган қалийли ўғитлар заводи барпо этилиши Деҳқонобод туманида тоғ-кон қазилма бойлиқларини қайта ишлашни ривожлантириш, минглаб янги иш ўринлари очиш имконини берди.

Бугун Қашқадарё вилоятининг чекка тумани — Деҳқонободда амалга оширилаётган ишлар одамларга нафақат қувонч улашмоқда, уларга ғайрат-шижоат бағишламоқда, руҳини кўтармоқда.

Хизмат сафарининг иккинчи куни корхона томонидан ташкил этилган байрам тадбирларида иштирок этиб, яна қатор ташаббус ва янгиликлар гувоҳи бўлдим, одамларнинг ҳаётдан мамнун сўзларини эшитдим. Деҳқонобод қалий заводи томонидан ўтказиладиган ҳар бир тадбир аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган ва ногиронларга кўмак бериш мақсадларига қаратилади.

Заводнинг логистика ва умумий масалалар бўйича директор ўринбосари Баходир Жонқўзиев, маъмурий-хўжалик бўлими мудири Жуманазар Жўраев ҳам ишчи-ходимларга кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам, янги очиладиган иш ўринлари тўғрисида фахрланиб қўйя қилишди.

Корхонада иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, улар учун масъулият чекланган жамият мақомидаги ошхона хизмат қилади. Унинг раҳбари Раҳим Тошмуродов 17 нафар ошпаз ва хизматчилари билан ҳар сменада 350-370 кишини овқат билан таъминлайди.

— Бугун байрам муносабати билан тумандан келган меҳмонлар ош бераёلمиз, — дейди **Раҳим Тошмуродов**. — Корхона маъмурияти, автохўжалик ва бир қатор цех ишчилари томонидан етти қозонда ош дамлиниб, «Энг мазали ош» танлови ўтказиляпти. Қолибларга муқофот берилди...

Ошпазларнинг аксарияти корхона ишчиси, базилари тумандан, Яққабғ, ҳатто Қаршидан тақлиф қилинибди.

— Биз четдан ошпаз тақлиф қилмадик, — дейди **завод автобазаси раҳбари Худойберди Тўхтаев**. — Хайдовчиларимиз ҳар икки сменада заводга қимматбаҳо тоғ-кон хомашёсини белгиланган графикада, ўз муддатида етказиб келаяпти, узиллилар бўлгани йўқ. Шунинг учун корхонада пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Энди, бир йилгити қирқ ҳунар оз, дегандай, ўзимизда ошпаз турганда, четдан қақирлишга ҳолат йўқ. Маждид Холмёров ҳар қанақа таомни сайратиш ишориди, таъми оғзингизда қолади. Ишонмасангиз келинг, ошдан тақдиб кўринг.

Тошкентдан келган меҳмонлардан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига қўра, корхонанинг маъмурият ва механика цехи ошпазлари биринчи, шахта ва автохўжалик вакиллари иккинчи, қолган учта цех учинчи ўринга муносиб қўрилди.

Байрам тадбирида **Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова** ҳам иштирок этаётган экан.

— Менинг асосий сайловчиларим Деҳқонобод туманининг бир қисми ва ғузориликлар, — деди у. — Бир ҳафта мобайнида Муборак туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласини ўргандик. Утган кунли Тошкентга қайтандим. Деҳқонобод қалий заводида тадбир ўтказилишини эшитиб, қайтиб келдим. Корхона маъмурияти томонидан тумандаги

кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган моддий ёрдамлар, хайрли ишларни қўриб, тўғриси, кўнглим жуда жойига тушди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Деҳқонобод туманига алоҳида эътибор бериляпти, — деди **Қашқадарё вилоят ҳокими Зафар Рўзиев**. — Бунинг сабаби битта — давлатимиз раҳбари айтганидай, бу ерда мард, танти, сабрли ва бағрикентг одамлар яшайди. Улар ютуқ ва камчиликларни одамнинг юзига айтишдан тортинмайди, тошдан гул ундирадиган бардошли, ўз гўшасини ҳеч қачон ташлаб кетмайдиган халқ...

Бу худуд ўрни миллион йиллар илгари катта уммон бўлган экан. Ерости қазилма бойлиқлари энди-энди ўрганиляпти, нефть, газ конлари топиляпти. Қалий заводи йилга 300 минг тонна атрофида қимматбаҳо ўғит ишлаб чиқариб, асосий қисмини хориж давлатларига экспорт қилинапти, утган йили белгиланган режани 115 фоз килиб бақарди. Корхонада 2 минг нафарга яқин ишчи меҳнат қилапти. Ҳозир бу ерга хомашёни қанат йўли билан олиб келиш чоралари қўриляпти. Шунда маҳсулот таннархи бирмунча арзонашадди.

Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан икки йил олдин 3,5 триллион сўм миқдорда маблағ ажратилган эди, шунинг 99 фозини ўзлаштирилди. 5 триллион сўмлик инвестиция ҳисобидан янги завод ва фабрикалар қурилади, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилади...

Шундан кейин суннат тўйи ўтказиляётган ўн икки нафар болага бош-оёқ сарпо, тўн кийгизилиб, уларга велосипед совага қилинди, ҳар бирига 500 минг сўмдан маблағ қўйилган жағарма дафтарчаси берилди; икки нафар ногиронга махсус аравачалар топширилди. Корхонада ишлаётган, шу ерда бир-бирига кўнгли қўйиб, ҳаёт йўлини биргаликда ўтказишга қарор қилган беш жуфт келин-кўвнинг никоҳ тўйи ўтказилди, уларга туман ФХД бўлими мудираси Қамолла Шарипова тантанали равишда никоҳ дафтарчаларини топширди. Ўзбекистон халқ бахшиши Қасҳор Раҳмон деҳқонободликларни улуғлаб қўшқилар қўйлади.

Тадбир давомида меҳмонлар заводи ишчилари фарзандлари учун янгидан бунёд этилган, икки сменада қирқ нафар кичкинтойни ўз бағрига оладиган, болаларга рус, инглиз тили ўргатиладиган инновацион боғча, сунъий ашил қоплама билан ихчам қилиб қурилган футбол майдончаси, корхона ишчиларини махсус кийим билан таъминлайдиган, 12 иш ўрнига мўлжалланган тикув цехи очилишида иштирок этади. Корхона оилавий ётоқхонасидан беш жуфт келин-кўвга ажратилган хоналар қалитини топшириш ваколати **«Нуроний» жағмараси Қашқадарё вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Январ Иноятова** берилди.

Қасаба уюшмалари Федерацияси вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов кириш йўлагига тортилган анъанавий лентани қирққанидан кейин меҳмонлар замонавий мебеллар дид билан жиҳозланган оилавий ётоқхонани, бу ерда ташкил этилган, беш мингта қитоб фондига эга бўлган ўқувхонани қўздан кеңиритди. **ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Рауванов** корхона раҳбари Ҳамидулла Шерматовга қилинаётган хайрли ишларига муваффақият тилаб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов номидан партиянинг Фахрий ёрлиғини топширди...

...Корхона меҳмонхонасига борган куним таниқли ёзувчи Абдурашид Нурмуродовни учратдим. У Деҳқонобод қалий заводи фаолияти тўғрисида ёзган бадиий публицистик китобининг намуна нусхасини олиб келган экан. Китоб «Нур ёғилган юрт одамлари» деб номланган. Хизмат сафаридан қайтаётиб ўйладим: нур ёғилган юрт одамларининг юз-қўларидан ҳам нур ёғилмоқда, улар табиатнинг оғир синовларига бардош бериб, тоғу тошлар қўйида мўъжиза яратмоқда, тошдан гул ундирмоқда...

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ФАРЗАНД ТАБАССУМИ — ОИЛА ҚУВОНЧИ

Термиз шаҳридаги Сурхондарё вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида «Фарзанд табассуми — оила қувончи» акцияси доирасида Ўзбекистон — Туркия саломатлик ҳафталиги бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Туркия ҳамкорлиги ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) ҳамкорлигида ташкил этилган ҳафталик доирасида туркиялик пластик жарроҳлар, малакали анестезиолог ва ҳамширалар Термиз шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидан келган юқори лаб ва қаттиқ танглайнинг ҳамда юз соҳасидаги туғма нуқсон ва куйишдан кейинги асоратлари бўлган 650 га яқин болани чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди. Уларнинг 160 га яқини пластик жарроҳлик амалиёти орқали соғломлаштирилди.

— Ўн ойлик қизимиз Захро инфекция билан туғилган экан, — дейди Денов туманидан келган Н.Суржқуллова. — Тана ҳарорати ҳеч тушмади. Шифокорлар муолажасидан сўнг игна ўрни қорайиб, қўл ва оёғида чандик пайдо бўлиб қолди. Туркиялик шифокорлар тиббий кўрикдан кейин жарроҳлик амалиёти ўтказди. Мана, тўрт кунда қизим яхши бўлиб қолди. Бунинг учун давлатимиздан беҳад миннатдоримиз.

Тиббий кўрик ва жарроҳлик амалиётлари туркиялик ҳамда ўшбу соҳа бўйича юртимизнинг тажрибали мутахассислари ҳамкорлигида олиб борилди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик келишувларига мувофиқ, сўнгги икки йилда соғлиқни сақлаш соҳасида ўнга йирик лойиҳа амалга оширилди, — дейди Анкара илмий текшириш клиникаси профессори Угур Кочер. — Шуларнинг тўрттасида тажрибали пластик жарроҳларимиз иштирок этди. Бизга ана шундай имконият яратиб берганлардан миннатдоримиз. Ўшбу акцияга Туркиядан беш нафар юқори малакали пластик жарроҳ, тўрт нафар малакали анестезиолог ва уч нафар ҳамшира жалб этилди. Ҳафталик давомида келган барча беморлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, улардан жарроҳлик амалиёти ўтказиш лозим, деб топилганларини замонавий тиббиёт кўмағида соғломлаштириш чоралари кўрилди. Биз туғма лаб, дудок муаммолари бўлган, қўлоқдаги ёки куйиш оқибатида танада юзга келган асоратларни ўз амалиётимиз орқали даволашни мақсад қилиб олган эдик. Шунга мувофиқ, мурожаат этган барча беморларга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилдик. Тиббий кўрик даврида зарур маслаҳатлар бердик. Беш кун давомида ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ўзаро таъриба алмашдик. Ўзбекистонда тиббиёт жадал ривожланмоқда. Бироқ мутахассислар тайёрлайдиган таълим муассасаларига янада кўпроқ эътибор қаратилишини истаб қолардим. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимизни таъриба алмашиш учун Туркияга таклиф этмоқчиман. Воҳа бой таассурот қолдирди. Самолётда бепоён чўл устидан учиб ўтдик. Термизга кўнган, шундай чўл ўртасида гўзал табиат манзараларига бой шаҳар барпо этилганини кўриб, хайратда қолдик. Ўзбеклар ва турклар бир дарахнинг икки шохидир. Яшилликка бурканган бу юрт одамларининг кўрсатган меҳмондўстлиги, самимий ҳурмат-эътибори учун миннатдорлик билдираман.

Ҳафталик доирасида Қашқадарё вилоятининг турли ҳудудларидан келган бемор болаларга ҳам беғараз ёрдам кўрсатилди.

— Қизим Муслима беш ёшида тўсатдан қуйиб қолди, — дейди Китеб туманилик Ф.Қосимова. — Натيجида ўнг қўл бармоқлари чандик бўлиб, яхши ҳаракатланмапти. Уни туркиялик шифокорлар қабулига олиб келган эдик, тиббий кўрикдан ўтказиб, жарроҳлик йўли билан тузатиш имкони борлигини айтишди. Шифохонада ажратилган бўлимга жойлаштиришди. Шу куни замонавий пластик жарроҳлик амалиётини ўтказишди. Бугун жавоб беришди. Ўйга қайтапмиз. Қизимизнинг соғлиги тикланаётганидан қувончимиз чексиз.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ТЕМИР ЙЎЛ ВА АВИАЧИПТАЛАР

нархларига 20 фоизгача чегирма

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ёшларни ишга жойлаштириш самарадорлигини ошириш, хорижий давлатларда меҳнат қилаётганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хорижда ишга юбориш тизими шаффофлигини таъминлаш масалалари ҳақида матбуот анжумани ўтказди.

— Жорий йилнинг январь-март ойларига туман, шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожаат қилган 122,5 минг нафар фуқародан 53,8 минг нафари доимий ишга жойлаштиришга кўмаклашилди, 62,6 минг нафар ишсиз фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, — дейди **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари Баҳодир Низоми**. — Шунингдек, 297 мартаба бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилиб, уларда 15,2 мингга яқин иш бериувчилар вакиллари ҳамда 46 мингдан ортиқ иш қидираётган фуқаро иштирок этди. Ўтказилган ўшбу ярмарка-

— Агентлигимиз томонидан Россия Федерацияси, Польша, Жанубий Корея ва Япония давлатлари билан ташқи меҳнат миграцияси соҳасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилди, — дейди **Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошлиғи Равшан Ибрагимов**. — Шунингдек, Қозғистон, Туркия, Омон Султонлиги, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, ўзаро англашув меморандумларини имзолаш бўйича керакли ишлар олиб борилмоқда. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича халқаро таъриба ўрганилмоқда.

кейти олдидадан ўқитиш ва кўниктириш маркази иш бошлади. Ўшбу марказ Японияга кетадиганларга бошланғич таълим бериш билан бирга, япон тили, маданияти, қонунларини ўргатишда яқиндан ёрдам беради.

Санкт-Петербург «Меҳнат ресурслари маркази» муассасаси билан ҳамкорликда меҳнат мигрантларини кетиш олдидадан тайёрлаш ва Россияга юбориш бўйича Самарқанд маркази ташкил қилиш юзасидан меморандум имзоланди. Ўшбу марказ ишга тушди, тест синовлари, тиббий кўрик, патент олиш масалалари марказда ҳал этилди. Ҳозирда шундай марказнинг Фарғона вилоятида очилишини тезлаштириш бўйича саёй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 5 мартдаги қарорининг ижроси юзасидан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК томонидан вақтинчалик меҳнат фаолиятини

дорида беғараз тўлов бир йилда бир марта амалга ошириладиган имтиёзли билетларни тақдим этиш учун барча маъмурий ҳудудларда махсус кассалар ташкил этилиб, иш бошлади.

Имтиёзли тарифларда чипта тақдим этишнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида электрон маълумотлар базаси яратилди. Агентликка мурожаат қилган фуқаронинг бўлғуси иш жойи, йўл маршрути ва кетиш истагидаги санаси кўрсатилган ҳолда қайд этилади. Агентлик ўша кунидеъ фуқаро ҳақидаги маълумотларни валюта ҳисоби очиб унинг ва махсус «VIZA-migrant» карталари бериш учун «Алоқабанк» ва агентлик қошидаги темир йўл чипталари ва авиабилетларни бронлаш ҳамда сотишга ихтисослашган кассаларга йўллайди. Шундан сўнг уч ёки тўрт иш кунидеъ фуқарони билет сотиладиган манзил ва кетиш санаси ҳақида хабардор қилади. Ўшбу маълумотларни олган фуқаро ихтисослашган кассага мурожаат қилади ва касса ўша куннинг ўзидаёқ имтиёзли билет, яъни 20 фоиз ҳамда 300 минг сўмлик чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда билет сотади. «Алоқабанк» эса меҳнат мигрантига бир иш кунидеъ валюта ҳисоб рақами очади ва «VIZA-migrant» пластик картасини беради. Меҳнат мигрантлари транспорт ва бошқа харажатлар учун «Ипотека-банк» орқали 1000 АҚШ долларигача кредит олишлари мумкин.

Шунингдек, тадбирда вазирликнинг туман, шаҳар бандликка кўмаклашиш марказлари тузилмасида умумий 300 штат бирлигида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисида чиқаётган фуқаролар билан ишлаш секторлари ташкил этилган, секторлар ходимлари уйма-уй юриб, яратилган имтиёزلар тўғрисида тушунириш бераётгани айтиб ўтилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



лар натижасида 10,1 минг нафар фуқаро ишга жойлашди.

Бундан ташқари, 3,3 мингдан ортиқ ишсиз фуқаро тўқувчилик, тўқувчилик, электрик, пайвандчилик, бўёқчилик, сувочилик, компьютер техникаси оператори ва бошқа шу каби меҳнат бозоридеъ талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича касбларга ўқитилди.

Хорижда ишлаш ниятини билдираётган фуқаролар учун зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятларда агентликнинг тўртта минтақавий бюроси фаолият юритган бўлса, бугунга келиб барча вилоятларда ва Қорақалпоғистон Республикасида филиаллар очилди. Японияга кетувчи фуқароларни

амалга ошириш учун республикадан ташқарига чиқаётган фуқароларга плацкарт ва умумий вагонларга темир йўл чипталари ҳамда иқтисодий, яъни эконом класс авиачипталар нархларига 20 фоизгача чегирма тақдим этилган, темир йўл ва авиачипта хараид қилиш харажатларини қисман қоплаш учун 300 минг сўм миқ-

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомочные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokrantas.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Коммунал хизмат

ЯХШИЛАНЯПТИ

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тубдан янгилаш, иш сифатини ошириш масалалари ҳақида матбуот анжумани ўтказди.



— Кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини комплекс ривожлантириш, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари вазирликнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади, — дейди **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ўринбосари Назиржон Назиров**. — Бугунги кунда республикада 33500 га яқин кўп қаватли уй-жой мавжуд бўлиб, мазкур уйлари бошқариш бўйича 4488 та ширкат фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили 8343 та кўп қаватли уйда 3 миллион 611 минг квадрат метр тоғлар, 18696 та кириш йўлаклари, 8454 уйнинг ертўла қисмларида муҳандислик тармоқлари таъмирланди.

Президентимизнинг 2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури тасдиқланди. Банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар биринчи навбатда кўп қаватли уйлarning том, ертўла ва фасад қисмларини таъмирлашга ҳамда болалар майдончалари қурилишига йўналтирилади.

Шунингдек, тадбирда уй-жой муносабатлари иштирокчиларини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига шартнома асосида бухгалтерлик ҳисобини юритиш, консалтинг хизматлари кўрсатиш мақсадида «Ягона ҳисоб-китоб маркази» давлат унитар корхонаси ташкил этилгани тўғрисида маълум қилинди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Ўз мухбиримиз.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти (°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+12/+17
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+13/+18
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+13/+18
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+13/+18
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+13/+23
Тошкент шаҳри	+13/+15

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси «Нуроний» жамоат фонди Самарқанд вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Ҳасан Нормуродовга ўли **Фарход НОРМУРДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Самарқанд давлат университети жамоаси меҳнат фахрийси **Нарзулло ЭРНАЗАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV Muslihiddin Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV MUHIDDINOV
Saidkamol XODJAYEV Ochilboy RAMATOV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 438. 11603 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 22:55.

Topshirilgan vaqti — 00:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7433

172010763006

Gazetaning elektron sahifasiga utish

uchun QR-kodni telefoningiz orkali

skaner qiling.

1 2 3 4 5